O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№91 (844) 2024 йил 15 ноябрь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

АРАБИСТОНЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.б. Шерзод Ҳидоятов Саудия Арабистонининг “Vision Invest” компанияси Президенти Омар Ал Мидани билан учрашди.





Учрашувда соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида қатор лойиҳалар муҳокама қилинди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, бугунги кунда ҳам давлатларимиз раҳбарларининг олиб бораётган оқилона сиёсати натижасида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўзаро сиёсий, маданий, иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда давом этмоқда, – деди Шерзод Ҳидоятов. – Ишончим комилки, бизнинг ҳамкорлигимиз ҳам давлатларимиз ўртасидаги стратегик алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб, инфратузилма ва энергетика соҳаларида барқарор ривожланишга кўмаклашади.

Маълумот учун, “Vision Invest” компанияси 2002 йилда “Al Muhaidib Group” ва “Abdullah Abunayyan Group” ўртасида ташкил этилган. Бугунги кунда хорижий компания томонидан республикада энергетика, “яшил” водород ишлаб чиқариш, марказлашган иссиқлик тизимларини барпо этиш, чиқинди сувларни тозалаб, қайта фойдаланиш, маълумотлар марказини ташкил этиш каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашув давомида вазирлик масъуллари ва компания делегацияси ўртасида ишчи гуруҳ шакллантирилди ҳамда доимий ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди.

“Эътироф” ААТ дастури ишлаб чиқилди

Кадастр агентлигининг “Геоинфоком” Давлат муассасаси томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш ахборот тизими – “Эътироф” ААТ дастури ишлаб чиқилди.

Эндиликда ваколатли ташкилотлардан тегишли маълумотлар ва ҳужжатларни ўзларининг ахборот тизимларидан “Эътироф” дастурига интеграция қилган ҳолда электрон равишда тақдим этилиши йўлга қўйилди.

“Эътироф” ААТга “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси (ПР) орқали интеграция қилинган ташкилотлар:

– Давлат активларини бошқариш агентлиги – якка тартибдаги уй-жойлар хусусийлаштирилгани ёки хусусийлаштирилмагани тўғрисидаги сервиси;

– Солиқ қўмитаси – мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш сервиси;

– Адлия вазирлиги – “Е-қарор” ягона электрон тизими;

–“Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси – Ягона идентификация тизими (One ID) ва Ягона биллинг тизими;

– Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги – “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ҳамда Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисидаги маълумотлар;

– “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси;

– Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – Ягона миллий меҳнат тизими;

– Кадастр агентлигининг ички тизимлари – Кўчмас мулкни ҳисобга олиш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадларида фойдаланиладиган интеграцион ахборот тизими (УЗКАД) ҳамда Ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш мониторингини юритиш (“E-YER NAZORAT” ААТ).

Жараёнлар очиқ ва шаффоф бўлишини кўзлаган ҳолда “Эътироф” дастурида барча жараёнларни аҳоли кўриб, кузатиб бориши мумкин. Тасдиқланган режа-жадвал бўйича хатловдан ўтказилган маҳаллалар ҳамда ҳар бир объект тўғрисидаги маълумотлар эълонга чиқарилади ҳамда ушбу объектга тегишли давлат идоралари томонидан берилган ижобий ёки салбий хулосаларни онлайн кўриш, хулосадан норози бўлган тақдирда 1 ой ичида эътироз билдириш имконияти яратилди.

“Эътироф” ААТ барча учун очиқ платформа бўлиб, ушбу тизимга etirof.kadastr.uz сайтидан рўйхатдан ўтган ҳолда кириш ва кузатиш имконияти мавжуд.

Ўз мухбиримиз.

Реконструкция жараёни кўздан кечирилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.б. Шерзод Ҳидоятов ҳамда қатор масъуллар Шайхонтоҳур туманида жойлашган 59-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш билан танишдилар.

Ўрганиш жараёнида лойиҳада иштирок этаётган пудратчи ташкилот масъуллари ҳамда буюртмачиларга объектдаги қурилиш-монтаж ишларини сифатли амалга ошириш, бунда ишчи кучини кўпайтириш ва лойиҳани белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

– Ёш авлоднинг замонавий талаблар ва шароитлар асосида таълим олишини таъминлаш асосий масъулиятимиздир, – деди Ш. Ҳидоятов. – Бунда ҳар бир жиҳат инобатга олиниши шарт. Сифат ва энергосамарадорлик асносида янги кўриниш касб этадиган таълим муассасаси болаларимиз учун қулай маконга айланиши керак.

Амалга оширилаётган ишлар ўрганилмоқда

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масъулларидан иборат ишчи гуруҳ ҳудудларда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, аҳолини энергия ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан амалга ошириб келинаётган ишларни ўрганишда давом этяпти.

Жумладан, ишчи гуруҳ томонидан Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида ишга туширилган қозонхона фаолияти кўриб чиқилди ҳамда “Gold street castle” БСКнинг қизғин иш жараёнлари билан танишилди. Хусусан, Шарғун шаҳарчасидаги “Баҳора-Жаҳон давр” БСК, Денов туманидаги “Denov interservis mir” МЧЖ, Шўрчи туманидаги “Шўрчи коммунал сервис хизмат” БСКлари фаолияти таҳлил қилиниб, кўп квартирали уйларнинг мавсумга тайёрлиги ўрганилди.



Мониторинг давомида соҳага доир муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан муҳокамалар ташкил қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Кўп қаватли уйлар совуқ кунларга шаймми?

Давлат раҳбарининг тегишли топшириғи асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, прокуратура, вазирлик ва идоралар мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилган. Айни пайтда ишчи гуруҳ томонидан куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, аҳолини энергия ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари кўп квартирали уйларни мавсумга тайёрлиги, бошқарув ташкилотларида аҳоли қулайлигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишларни ўрганиш мақсадида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида бўлдилар. Хусусан, туманнинг Шуҳрат маҳалласида жойлашган 71 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи “Моҳинур коммунал” БСК иш фаолияти ўрганилди. Вазир ўринбосари Озода Жўраева масъулларни компания томонидан амалга оширилган ишлар билан таништирди. Шу билан бирга, кўп қаватли уйларнинг ертўла қисми қишки мавсумга шайлиги ҳамда ижтимоий соҳа объектларида иситиш тизимининг сифати ўрганилди.

Мутасаддилар туманнинг Наққошлик маҳалласида ҳам бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашдилар ҳамда уларнинг соҳага доир муаммоларини тингладилар. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар муҳокама қилиниб, ижобий ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига келишиб олинди.

“Университет куни” нишонланди

Фаррух МАДИЕВ, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг Шаҳарсозлик кафедраси катта мудири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-416-сон қарорига мувофиқ, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти университет этиб қайта ташкил этилган.

Университетимизнинг 2 йиллиги муносабати билан 30 октябрдан 8 ноябргача “Университет куни” тадбирлари ўтказилди.

Хусусан, ушбу тадбирлар доирасида архитектура факультети томонидан “Ёш архитектор ва шаҳарсозлик мутахассислари” танлови ҳам ташкил этилди. Танлов 2 йўналиш бўйича ўтказилди. Булар – Қишлоқ ҳудудининг бош режаси (мастер-план) концептуал лойиҳаси ва Ақлли туман бош режаси (мастер-план) концептуал лойиҳаси йўналишиларидир.

Ушбу лойиҳаларда Самарқанд шаҳар ёки Самарқанд туманидаги исталган қулай ҳудудда “Аҳоли учун ақлли туман бош режаси (мастер-план 2,5 гектар майдонни эгаллаши, лойиҳада концепция ва сценарий тушунтирилган бўлиши ва зоналаштирлиши, 1:1000 масштабда мастер режалари) акс этган бўлиши, шунингдек, лойиҳа юқори ижодий даражада бажарилган ҳамда танлов мавзусига мос келиши талаб этилди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўринни Шаҳар қурилиши ҳамда коммунал инфратузилмани ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши талабаси Аброр Ниятов ва Архитектура таълим йўналиши талабаси Фаррух Омонқулов, 2-ўринни Шаҳар қурилиши ҳамда коммунал инфратузилмани ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши талабаси Нилуфар Эргашева, 3-ўринни ушбу йўналиш талабалари – Меҳрож Бойназаров, Фаридун Абдуллаев, Абдумалик Абдурашидов эгаллади.

Ғолибларга ёз ойида чет элда амалиёт ўташ учун йўлланма ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

ҚУРИЛИШ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИГА ТУРТКИ БЕРАДИГАН СОҲА

Ҳар бир лойиҳа қурилиш материаллари ва жиҳозларга ишчи ва мутахассисларга талабни оширади. Янги мажмуалар атрофида янги иш ўринлари инфратузилма ва хизматларни яратади. Маълумотларга кўра, сўнгги 7 йилда қурилиш материаллари соҳасига 9 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 5 мингга яқин янги корхона ишга туширилган. Шунингдек, 94 мингта доимий иш ўрни яратилгач, ишлаб чиқариш икки карра ўсиб, йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан зиёд бўлган корхоналар сони 150 тадан ошган.

Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Президентимиз раислигида қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилганди. Хўш, йиғилишда қурилиш соҳасини ривожлантириш бўйича қандай таклиф ва ташаббуслар ўртага ташланди? Эндиликда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қандай янгиликлар жорий этилади? Ўзбекистон қурилиш бозорида сифат ва назоратни кучайтириш учун яна нималар қилиш керак?

Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бошқарма бошлиқлари Азизбек НУРМИРЗАЕВ ҳамда Ботир ДЎСАТОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Дилмурод ОТАЕВлар иштирокида “O‘zbekiston bunyodkori” газетаси таҳририятида давра суҳбати ташкил этилди.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№91 (844) 2024 йил 15 ноябрь

◀ 1-бет

ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИГА ТУРТКИ БЕРАДИГАН СОҲА


Азизбек НУРМИРЗАЕВ


Ботир ДЎСАТОВ

Мухбир: – Йиғилишда қурилиш индустрияси кун сайин ривожланиб бораётгани, янги технологиялар, янги инновациялар амалиётга кириб келаётгани, аммо юртимизда ҳалигача эскича стандартлар ва ёндошувлар сақланиб қолаётгани ҳам айтиб ўтилди. Замонавий стандартлардан, усуллардан орқада қолиб кетмаслик учун шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қандай янгиликлар киритиб бориш зарурлиги айтиб ўтилди ва бу борада қурилиш индустриясини ривожлантириш бўйича қандай вазифалар ўртага ташланди?

Азизбек НУРМИРЗАЕВ: – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтининг асосий вазифаси шаҳарсозлик норма ва қоидаларини модернизация қилиш, халқаро нормалар билан уйғунлаштиришдан иборат. Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселекторда шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган камчиликлар таъкидланди.

Шаҳарсозлик норма ва қоидаларини модернизация бўйича белгиланган топшириқлар юзасидан институт томонидан ҳозирги кунда миллий шаҳарсозлик нормаларини халқаро нормалар билан уйғунлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Йил бошида Давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган топшириққа кўра, 105 та шаҳарсозлик норматив ҳужжатлар, булардан 70 таси шаҳарсозлик норма ва қоидалари, учтаси қурилиш регламенти, 32 таси қурилиш стандартлари ишлаб чиқилиши бўйича вазифа белгилаб берилган эди. Ҳозирги кунда шундан 64 таси ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий хулоса олинган ҳолда яратилди ва қолганлари жараёнда.

Бундан ташқари, биз халқаро нормалар билан уйғунлаштириш масаласи ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги кунда вазирликда Корея Республикаси билан имзоланган меморандумга кўра, Ўзбекистон шаҳарсозлик нормаларини модернизация қилиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Яъни, Корея қурилиш тажрибасини мамлакатимизда қўллаш бўйича ишлар ташкил этилган ва икки томон мутахассислари ўртасида ҳар ҳафта онлайн учрашув ўтказган ҳолатда бизда белгиланган шаҳарсозлик норма ва қоидаларимизни экспертлар иштирокида муҳокама қилиб уйғунлаштириб борилмоқда.

Мухбир: – Кейинги 7 йилда юртимизда қурилиш қамрови кенгайди ва шунга яраша қурилиш ташкилотлари ҳам йил сайин ортиб бориб, қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг ҳақиқий драйверига айланди. Шу боисдан ҳам қурилишда сифат бирламчи ўринда кўрилмоқда. Бугунги кунда қурилиш компаниялари олдига қўйилаётган мезон ва талаблар нималардан иборат?

Дилмурод ОТАЕВ: – Дарҳақиқат, 7 йиллик муддат ичида республикамиз қурилиш соҳаси ривожланишда катта одим ташлади. Шунга мувофиқ, қурилиш-пудрат ташкилотлари кўпайган бўлса-да, улар амалга ошираётган қурилиш-монтаж ишларини ҳаммада ҳам сифатли, деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ҳукуматнинг тегишли ҳужжатлари билан алоҳида тартиблар ўрнатилмоқдаки, бугунги кунда ҳар бир пудрат ташкилотини амалга ошираётган қурилиш ишларини сифатига эътибор қаратиб, унинг моддий-техник базасини, ишчилар сонини, ишчиларга берилаётган ойлик маошлари ва унинг хавфсизлигини таъминлашга оид бир қанча регламентлар белгиланиб, шулар орқасидан ҳар бир пудрат ташкилотига рейтинг қўйиб борилмоқда. Рейтинги юқори бўлган пудрат ташкилотларигина давлат буюртмаси асосида мукаммал хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектлар қурилишига имконият яратилади.

Ботир ДЎСАТОВ: – Ҳозирги кунда қурилиш компанияларига қўйилаётган талаблардан бири – бу сифат. Шу сабабли ҳам қурилишда сифатни таъминлаш мақсадида аввало, биз қурилишдаги меъёр ва стандартларни қайтадан модернизация қилиб, ҳозирги дунё тан оладиган замонавий ёндошувларни замонавий ечимларни қилиш учун шаҳарсозлик норма ва қоидалари ишлаб чиқилмоқда. Бу бўйича шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя қилган ҳолатда ишлаш талаб қилинмоқда.

Мухбир: – Диққатимиз марказидаги яна бир масала бу – ижтимоий объектлар бўладими, уй-жойлар бўладими уларда энергия сарфини камайтириш билан боғлиқ вазифа ҳам туради. Видеоселектор йиғилишида қурилишда мана шундай энергия тежамкор ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш, бундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ботир ДЎСАТОВ: – Дарҳақиқат, бугунги кунда энергияга бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Шунингдек, бино ва иншоотларни энергия тежамкорлиги долзарб бўлиб бормоқда. Жаҳон тажрибасини оладиган бўлсак, жаҳонда яшил бинолар деган тушунчалар бор. Бу бинолар энергияни кам сарфлайди ва умуман энергия истеъмол қилмайдиган ва ўзидан қўшимча энергия чиқариб, давлатга сотадиган бино турлари бор. Албатта, буларни замонавий қурилиш материалларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни, энергия тежамкорлиги ўта долзарб. Сабаби иқлимимизни олиб қарайдиган бўлсак, ёзда бино ичидаги ҳароратни совутиш, қиш мавсумида эса иситиш талаб этилади. Бу кескин ўзгариш натижасида энергия сарфи ортиб боришига олиб келади. Шу сабабли ҳам бундай материалларни кенг қўллаш, амалиётга киритиш долзарб ҳисобланади. Чунки, бутун дунёда ресурслар чекланган. Замонга мос қурилиш ишлари амалга оширилиши керак.

Мухбир: – Қурилиш индустриясидаги ишлар таҳлил қилинганда, шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг 38 таси рўйхатдан ўтмагани ва яна 13 таси янгиланмагани ҳам тилга олинди. Қолаверса, қурувчилар замонавий объектлар қуришда лойиҳага махсус техник шарт олиш учун қўшимча вақт ва маблағ сарфлаётгани, бу эса таннархга салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам айтиб ўтилди. Соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни олдини олиш ечимлари қандай?

Ботир ДЎСАТОВ: – Шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг 38 таси рўйхатдан ўтказилмаган эди. Ҳозирги кунга келиб, уларнинг 7 таси рўйхатдан ўтказилиб, яна 8 таси Адлия вазирлигида рўйхатга олиш учун тақдим этилган. Қолганлари эса вазирлик ва идоралар билан келишиш жараёнларида турибди. Адлия вазирлигидан ҳуқуқий хулоса олиш жараёнлари бир ойни ташкил этади. Бир ой муддатда буни якунига етказиш режалаштирилган. Ҳозирда 13 та шаҳарсозлик норма ва қоидалари янгидан яратилди.

Улар ҳудудларни, автотураргоҳлар, шаҳар кўча йўлларини тартибга солиш, ҳудудларнинг сув босишини олдини олиш ва шунга ўхшаган нормалар шакллантирилган. Ҳозирги кунда уларнинг 6 таси ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди, 7 таси эса жараёнда.

Азизбек НУРМИРЗАЕВ: – Президентимиз йиғилишда таъкидлаб ўтганидек, охирги 7 йилда Ўзбекистонда қарийб 100 миллиард АҚШ долларилик қурилиш ишлари бажарилган. Шундай бўлса-да, иқлим ўзгариши, демографиянинг ўсиб бориши ва табиий ресурсларнинг тобора қисқариб бориши натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида янгича ёндошувлар бўлмоқда. Шу мақсадда вазирликда Еврокодларнинг иккинчи авлодини ишлаб чиқиш бўйича ишлар ҳам ташкил этилган бўлиб, бунда, композит материаллардан фойдаланиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам шаҳарсозлик норма ва қоидаларимизни халқаро стандартлар ва халқаро нормаларга уйғунлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Дилмурод ОТАЕВ: – Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнлари аввалдан бор бўлса-да, бу ишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Айтайлик, базальт қопламаси бўйича оладиган бўлсак, бу материал иссиқлик таъминотини етказиб берувчи ҳисобланади. Шу сабабли базальт плиталар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони сўнгги йилларда кўпайиб қолди. Президент ва Ҳукумат қарорлари асосида кўп квартирали уйлар том қисмларининг 50 фоизидан кам бўлмаган майдонида қуёш панелларини ўрнатиш назарда тутилган. Иссиқ сувда ижтимоий соҳа объектларининг барчасида иссиқ сувни қуёш панеллари орқали таъминлаш бўйича энергия тежамкорлик бўйича жуда кўп топшириқлар берилган. Бу, ўз навбатида, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан доимий назоратга олиб келинмоқда.

Азизбек НУРМИРЗАЕВ: – Еврокодларни Ўзбекистон қурилиш бозорига имплементация қилиш борасида ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, 2024 йилдан бошлаб вазирлик тизимида Еврокодларни ташкил қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтида бошқарма ташкил этилган бўлиб, у олий таълим муассасалари, яъни, Тошкент архитектура-қурилиш университети, Фарғона политехника институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети профессор-ўқитувчилари билан, қолаверса, етакчи илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа ташкилотлари ҳамда хорижлик эксперт мутахассислардан иборат катта жамоа тузилган. Евро қурилиш нормаларини мамлакатимизда жорий қилиш ишлари бошлаб юборилган. Бундан кўзланган асосий мақсад – бюртмачи лойиҳаси орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни жаҳон бозорига чиқариш ва уларни рақобатбардошлигини ошириш. Бундан ташқари, Ўзбекистоннни ЖСТга аъзо бўлиш давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва Президентимиз йиғилишда айтиб ўтганидек, 2024 йилда қурилиш материалларининг импорт улуши 31 фоиздан 25 фоизга туширилгани бўлди. Бу бўйича биз жорий қилаётган Еврокодлар асос бўлиб хизмат қилади. Бу йил қурилиш материаллари экспортини 1 миллиард АҚШ долларига ошириш белгилаб ўтилди. Бу бўйича Европа қурилиш стандартларини қабул қилиш орқали ҳам биз экспорт улушини оширамиз. Еврокодларни жорий қилиш мақсадида ишлар олиб борилмоқда.

Мухбир: – Ўтган йили ҳокимларга хусусий секторни жалб қилиб, мастер-режа ишлаб чиқишга рухсат берилганди. Бундан мақсад – кичик ҳудудларни белгилаб уй-жой қуриш, савдо, туризм ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўлиб, бу жараёнларга тадбиркорларни жалб қилиш асосий


Дилмурод ОТАЕВ

мақсад эди. Бугунги кунда мастер-режа билан боғлиқ аҳвол қандай?

Ботир ДЎСАТОВ: – Мастер-режалар борасида бугунги кунда бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳокимликлар тасдиқлайдиган мастер-режалар асосида ижтимоий объектлар қурилиши борасидаги ҳужжатлар сифатида тасдиқланган. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш борасида бугунги кунда шаҳарсозлик қоида ва нормалари мавжуд бўлиб, у Адлия вазирлигига тақдим этилган. Бундан ташқари, мастер-режаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича Ҳукуматнинг 497-сонли қарори қабул қилинган. Шу билан бирга, ҳозирги кунда мастер-режаларни ишлаб чиқиш жараёни ва унга кетадиган сарф-харажатларни аниқлаш бўйича институтимиз томонидан услубий кўлланма ишлаб чиқилди ва Алия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди.

Мухбир: – Қурилиш объектлари тоифасига қараб ойда 2-4 марта назоратдан ўтказилиши зарур. Лекин 8 ойда 1 минг 150 та объектга инспектор бир марта борган. Бу рақамлар албатта йиғилишда айтиб ўтилди. Оқибатда жойларда палапартиш қурилишлар пайдо бўлиб, бу эса аҳолининг эътирозига ҳам сабаб бўлаётгани тилга олиб ўтилди. Бу бор ҳақиқат. Чунки, ўзимиз ҳам ижтимоий тармоқларда, медиа оламда кўп кузатамиз. Бу борада йиғилишда мутасаддиларга қандай топшириқлар берилди?

Дилмурод ОТАЕВ: – Қурилиш инспекторларини ҳар бир объектга белгиланган босқичларида бориб ўрганишни таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда рўйхатдан ўтган қурилиш объектларини қурилиш инспекторларига бирма-бир бириктириш топшириғи берилган эди. Бугунги кунда инспекция томонидан бу ишлар бажарилиши натижасида объектларни доимий равишда босқичма-босқич назорат қилиб бориш имкони яратилди. Шунингдек, ҳар бир инспекторни “боди камералар” билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди. Бу ҳам жойга чиққан ҳолатда амалга оширилаётган қурилиш сифати ва ишларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳам назорат қилишга ёрдам беради. Ҳар бир давлат қурилиш объектларига камида 2 та видеокамера ўрнатилиши белгилаб ўтилди. Бунинг учун ҳудудий инспекцияларда қурилиш операторлари штаблари ташкил қилинмоқда. Буларнинг барчаси сифат назорати, у ерда ишлаётган ишчиларнинг хавфсизлиги, объектга кириб келаётган қурилиш материалларининг сифатини ўрганиб боришга ёрдам беради.

Мухбир: – Қурилиш жараёнида энг нозик жиҳат ва муҳим масалалардан бири – ноқонуний қурилишлар билан боғлиқ бўлган масала. Айнан бу каби ноқонуний қурилишларда соҳага тегишли бўлган идоралар эмас, балки маҳалла ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам айтиб ўтилди. Эндиликда QR кодли паспорти бўлмаган қурилиш объекти ноқонуний ҳисобланадими?

Дилмурод ОТАЕВ: – Худди шундай, QR кодли паспорти бўлмаса қурилиш ва монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. QR кодли паспорт ҳақида маълумот бериб ўтсам. Ҳар бир фуқаро шу QR код орқали ўша ҳудудда ким томонидан, кимнинг буюртмаси асосида қайси пудрат ташкилоти, қандай тоифага эга объект қурилиши, у қанча муддатда битирилишини билиб олиши мумкин. Шунингдек, бу паспортда кўпгина яна шунга ўхшаш маълумотлар жам қилинган. Ҳақиқатан ҳам инспекция томонидан шу йилнинг ўзида 1 минг 700 дан ортиқ аҳоли томонидан ноқонуний қурилиш ишлари аниқланди. Аксарият бундай қурилишлар сифатсизлиги намоён бўлди. Ҳар бир қурилиш, албатта, мутахассислар томонидан назорат қилган тақдирдагина, инсон саломатлиги, хавфсизлигини таъминлашга замин яратади. Шу сабабли, маҳалла фуқаролари йиғинлари жамоатчиликни ҳам бу йўналишга жалб қилиб, QR кодлар орқали қурилишларнинг қонуний ёки ноқонуний эканини аниқлаштириб, назоратни ҳам янада кучайтириш зарур.

Мухбир: – Рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратайлик. Бу ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Эндиликда лойиҳалар Шаҳарсозлик кенгашларига “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали электрон киритилиши, шунингдек лойиҳа ҳужжатлари бўйича СЭХ ва туман ёнғин хавфсизлиги бўлимидан алоҳида хулоса олиш бекор қилиниши, бу қурилиш компанияларига, қурувчиларга қандай афзалликларни тақдим этади?

Ботир ДЎСАТОВ: – Бу асосан лойиҳаларни келиш жараёнида амалга ошириларди. Яъни, амалга оширилаётган лойиҳани 3D ва визуал кўринишига хулоса олиш учун кенгаш аъзоларига тақдим этилар эди. Ушбу жараёнда қўшимча равишда санитария-эпидемиология хизмати ва ёнғин хавфсизлиги идораларидан хулоса олиш талаб этилар эди. Ҳозир бу жараён электронлаштирилгани муносабати билан кенгашга тақдим этилган заҳоти кенгаш мутахассисларининг хулосаси билан бир вақтнинг ўзида қабул қилиниши белгиланмоқда. Бу билан пудрат ташкилотларига вақт ва маблағ масаласида яна бир қулайлик яратилмоқда.

Мухбир: – Соҳадаги ишчилар малакасини баҳолайдиган тизим жорий қилиш орқали сертификати бор ишчилар сонига қараб рейтинг тизимида пудратчиларга 15 баллгача қўшимча балл берилиши ҳам айтиб ўтилди. Бунинг афзал томони нимада?

Ботир ДЎСАТОВ: – Бунинг афзал томони шундаки, қурилиш жараёнида қурилишни олиб бораётган мутахассисларда компетентлик масаласи долзарб ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўзининг хонадонида ҳам қурилиш қилаётган бўлса, устани яхшисига мурожаат қилишни хоҳлайди. Бундай катта қурилиш жараёнида компетент мутахассисларнинг мавжудлиги пудрат ташкилотининг ютуғини ва жаҳон тажрибасида рейтинги юқори эканини билдиради. Яъни, халқаро сертификатга эга экани, халқаро қурилиш бозорида ўрни борлигини намоён этади. Узимизда бу тизимнинг жорий этилиши мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда тайёрланган мутахассислар бўйича фаолият юритаётган компанияларни рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Мухбир: – Бугунги кунда мутахассис-кадрлар тайёрлаш масаласи билан боғлиқ ҳолат қандай? Архитекторлар, қурувчилар етарлими, уларнинг малакаси қанчалик талабга жавоб беради?

Азизбек НУРМИРЗАЕВ: – Ҳозирги кунда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан қурилиш соҳасига тегишли бўлган соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича айнан Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти жуда кенг қамровли ишларни қилмоқда. Айниқса, қурилиш соҳасига оид олий таълим муассасалари билан тўғридан-тўғри амалиётларни ташкил этиш, ҳар хил Еврокодларни жорий қилиш, халқаро нормаларга уйғунлаштириш бўйича, айниқса, Ўзбекистондан бориб чет элда ўқиб келган магистратура PhD талабаларини ўзимизга жалб қилган ҳолатда салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Олий таълим муассасаларини тегишли соҳа мутахассислари тўғридан-тўғри вазирликда илмий-тадқиқот институти ходимлари билан алоқада ва улар билан ишлар олиб борилмоқда.

Дилмурод ОТАЕВ: – Қўшимча сифатида айтиш мумкинки, вазирлик қошида Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилган. Қурилиш назоратига эътибор берадиган бўлсак, бизда 4 босқичли қурилиш назорати амалга оширилади. Буюртмачининг техник назоратчиси, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назоратчиси, пудрат ташкилоти ички назоратчиси ҳам бор. Бу энг аввало, сифат учун жавоб берадиган мутахассисларнинг малакасини ошириш учун ҳозирда Компетенцияни ривожлантириш институтида курслар ташкил қилинган. Бу курслар охирида ҳар бир ўрганувчи тест топширади. Тестлар ҳам ҳар объектнинг хавф-хатар тоифасига қараб ҳар бир мутахассисга ўша тест натижаларига асосида сертификат берилади. 2025 йил 1 январдан бошлаб назоратчи тегишли сертификатга эга бўлмаса, қурилишда ўз мутахассислиги бўйича назорат олиб бориш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мухбир: – Бугун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланган. Нафақат пойтахтда, балки Республикамизнинг ҳар битта ҳудудида кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Чет эллик экспертлар ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган қурилишларни кузатишаётганини айтишмоқда. Мана шу қурилаётган бинолар, объектлар қанчалик талабга жавоб беради, мутахассис сифатида уларнинг сифатига, замонавийлигига сиз қандай баҳо берган бўлардингиз? Улар қурилиш қоидаларига қанчалик амал қилинган ҳолатда бунёд этилмоқда?

Дилмурод ОТАЕВ: – Ҳозирда нафақат қурилиш-пудрат ташкилотларига, балки лойиҳа ташкилотлари учун ҳам бундай рейтинглар жорий қилинган. Ҳозир малакали, ўз меҳнати билан қурилган бинолари, мавжуд техникаси, илмли ишчилари бўлган ташкилот бозорда яшаб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир рейтингга жуда катта эътибор берилмоқда. Қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари ҳар бир ходимининг малакасини ошириш учун ҳаракат қилиб, янги-янги техникалар олиб келмоқда. Натижада, назорат инспекцияси вакили сифатида шуни айтишим мумкинки, юртимизда қад ростлаётган бинолар йилдан йилга мустаҳкамланиб, уларнинг қаватлари ҳам юқорилашиб бормоқда.

Мухбир: – Давлатимиз раҳбари қурилиш ва лойиҳалаштириш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар раҳбарлари билан мулоқотда қандай масалаларни ўртага ташлади ва мутасаддилар олдига қандай муҳим вазифаларни белгилаб берди?

Азизбек НУРМИРЗАЕВ: – Қурилиш материаллари сифатини ошириш ва бу бўйича ишларни ташкиллаштириш, яъни, қурилиш материалларини Европа стандартларига мослаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш кераклиги таъкидлаб ўтилди. Бу эса бизга маҳаллий ишлаб чиқарилган қурилиш материалларини Европа стандартларига мослаштириш орқали экспорт ҳажмини оширишимизга замин яратади. Бу йил ҳисобига Президентимиз томонидан 1 млрд АҚШ долларилик қурилиш материалларини экспорт қилиш бўйича топшириқ берилди. Бу жараёнда аввало қурилиш материалларининг сифатига эътибор қаратиш, Европа стандартларига мослаштириш орқали бизга Европа бозорига тўғридан тўғри чиқиб бориш имкониятини яратади.

Мухбир: – Белгилаб берилган вазифалар мутасаддилар олдига қўйилган топшириқларга ҳам тўхталсангиз.

Азизбек НУРМИРЗАЕВ: – Бугунги кунда лойиҳа институтлари томонидан турли кўринишдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мувофиқлигини ўрганиш ва уларни амалга ошириш топшириқлари берилди. Бу жараёнда шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир шаҳарсозлик нормалари Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганидан кейин у мажбурий хусусиятга эга бўлиб, амалиётга жорий қилиш талаб этилади. Бу бўйича жамоатчилик вакилларига расмий телеграмм каналларимиз орқали эълонлар бериб борилмоқда. Янгиланган ҳар бир шаҳарсозлик норма ва қоидалари, уларга киритилган ўзгартиришлар, қайси шаҳарсозлик қоида ва нормалари жаҳон тажрибаси билан уйғунлаштирилгани ва ундан кўзланган янги талаблар ва лойиҳа ташкилотлари ниманларга эътибор беришлари мутахассисларнинг назорат қилиш тартиблари белгилаб берилди.

Давра суҳбатини
Наргиза МИРЁҚУБОВА ёзиб олди.



ОБОД ВА ГЎЗАЛ МАНЗИЛДА ЯШАЁТГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ

фаровон даврларга етказгани учун шукрона айтишмоқда

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Нафақат беғубор табиати, балки самимий халқи билан юртдошларимиз меҳрини қозониб келаётган Андижон кечагидан тубдан фарқ қилади. Бир пайтлар фақат миллий ва анъанавий уй-жойлардан иборат ҳудудда бугун замонавий қиёфадаги иншоотлар, турар жой бинолари, йўл ва кўприклар, боғ ва бошқа кўплаб масканлар бунёд этилмоқда.

Муҳими, бу ўзгаришу янгиланишлар вилоятнинг ташқи қиёфасини ўзгартирибгина қолмай, аҳоли турмуш тарзида ҳам намоён бўляпти. Янги ва шинам уйларда бугунги ҳаётидан мумнун тарзда яшаётган андижонлик юртдошларимиз қалбида эртанги кунга ишонч ҳам янада мустаҳкамланмоқда.

Бугунидан миннатдор халқ

Андижон вилоятида жорий йилнинг ўзида 211 та 8,2 минг хонадонли уй-жойларни қуриш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 50 та 2105 хонадонли кўп қаватли уйлар ўз эгаларига топширилди. Натижада 100 минг нафардан ортиқ аҳолининг турар жой билан боғлиқ муаммолари ижобий ечим топди.



– Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йиллари мамлакатимиз аҳолиси 19 миллион нафардан иборат эди, – деди вилоят Нуроний жамғармаси раҳбари Ўктамжон Охунов. – Бугунги кунга келиб салкам 38 миллион нафарга етди. Биргина Андижон вилоятининг ўзида бир йилда ўртача 60 минг нафардан ортиқ чақалоқ дунёга келаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳам кескин ортиб бормоқда. Айниқса, бу эҳтиёж келгуси 20 йилдан кейин янада жадаллашади. Шунинг учун вилоятда бу масалада амалий ишларга киришилган. Нафақат шаҳарларда, балки туманларда ҳам кўп қаватли уйлар барпо этилмоқда. Нега айнан кўп қаватли уйлар? Сабаби, Андижон вилояти мамлакатимиздаги аҳолиси энг зич жойлашган, бироқ ер майдони кичик бўлган ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир қарич ернинг ҳисоби бор. Шунинг учун уй-жой қуришда энига эмас, бўйига ўсиш ўринлидир. Шундагина кўп қаватли уйлар ҳисобига қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ва иқтисодиётимизнинг асосий таянчи бўлган экин майдонини сақлаб қолган бўламиз. 4 минг гектар майдондан иборат 411 минг нафар аҳоли истиқомат қилиши режалаштирилган “Янги Андижон” массивининг Андижон туманидаги фойдаланилмай турган адирлик ён бағрида барпо этилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Дарҳақиқат, Андижон вилоятида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишлари 2016 йилдан бошланди. Унга қадар вилоятда бирорта ҳам кўп қаватли уй қурилмаган. Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига биноан, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2016-2024 йиллар давомида 904 та 33,5 минг хонадонли кўп қаватли уй барпо этилди. Шундан 40 таси “Янги Андижон” массивида қад ростлади.

– Узоқ йиллар давомида ижара уйда истиқомат қилдик, – деди “Янги Андижон” массивидаги янги уйлардан бирига кўчиб келган Фаридахон Хўжамқулова. – Шаҳарнинг биз яшамаган даҳаси қолмади, ҳисоб. Ҳар сафар болаларимнинг кўзларига тикилганимда, уларнинг келажагидан ташвишланар эдим. Турмуш ўртоғимдан эрта айрилганлигим, топганим рўзғордан ортмаётганлиги сабабли уларни уйли-жойли қилишни ўйлаб, тўғриси, дардман бўлиб қолдим. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар, янги лойиҳалар қалбимда умид уйғотди. Ўтган йили субсидия асосида “Янги Андижон” массивидан хонадон олдим. Ҳозир ҳаётимдан мамнунман! Замонавий шароитларга эга бўлган уйда фарзандларим билан хотиржам яшаяпмиз.

Бугунги Андижон кечагидан тубдан фарқ қилади. Энди у ижтимоий ҳудуд сифатида аҳамиятга моликдир. Бу эса халқимизнинг ўз уйида бугунги кунидан миннатдор ҳолда истиқомат қилиш имконини беради.

Йирик лойиҳага асос солинди

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Андижон туманидаги адирликда барпо этилаётган “Янги Андижон” шаҳарчасида яна бир йирик лойиҳага асос солинди.

Бу ерда “Zhongge investment” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан турар жой мажмуаси ва кўнгилочар марказ қурилиши бошланди.

– Лойиҳа қиймати 250 млн долларлардан иборат, – деди вилоят ҳокимлиги масъул ходими Муслимбек Иброҳимов. – 55 гектар майдонда қад ростлаётган ушбу манзилда 3000 та замонавий уй-жой, “Янги Андижон” меҳмонхонаси, жаҳон талаблари асосидаги савдо мажмуаси, брендлар учун алоҳида савдо марказлари ва хиёбон барпо этилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигида барпо этилаётган ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи 2026 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ҳарбийлар учун янги уйлар барпо қилинди

Хонобод шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат қилувчи 42 нафар аскар янги хонадонларга кўчиб ўтдилар.



– Аскар Ватанини муносиб ҳимоя қилади, қачонки, уйида хотиржамлик бўлса, – деди меҳнат фахрийси Абдулқосим Абдуллаев. – Шу боис, кейинги йилларда республикамизда ҳарбий хизматчиларни турар жой билан таъминлаш борасидаги ишлар салмоғи ортган. Замонавий шарт-шароитларга эга бу хонадонларни кўриб, завқим келяпти. Замонавий шароитларни ўзида мужассам этган икки қаватдан иборат ушбу турар жой биносининг фойдаланишга топширилиш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Текис ва равон йўллар

Улуғнор тумани Андижон вилоятининг олис ҳудудларидан бири бўлиб, чўл бағрида барпо бўлган бўстондир. Айни пайтда манзилда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ибратли ишлар олиб бориляпти. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “2023-2024 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосий дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

– Айни пайтда тумандаги Бобур номли, “Келажак” ва “Уч кўприк” МФЙларида 6,1 километрдан иборат ички йўлларни асфальтлаш ишлари бажарилди, – деди Келажак маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Султоной Аҳмадалиева. – Бунга қадар кўчаларимиз абгор ҳолатда эди. Сўнгги 50 йил мобайнида таъмирланганини эслай олмайман. Нафақат, транспорт воситалари, балки пиёдалар учун ҳам ноқулайлик туғдирарди. Шукрлар бўлсинким, бугунги кунда кўчаларимизга асфальт босилди. Кенг ва равон йўлда юришнинг ҳам гашти бор экан!

Туманда шунингдек, тоза ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш борасида ҳам хайрли ишлар йўлга қўйилган. Бу ўзгаришлар ҳамюртларимизнинг турмуш шароитини тубдан ўзгартириб, уларнинг бугунги кунидан миннатдор бўлиб яшашларига сабаб бўлмоқда.

Тиббиёт маскани фойдаланишга топширилди

Андижон туманидаги Қўнжи маҳалласида тиббий мажмуа фойдаланишга топширилди. Унинг таркибида оилавий поликлиника, шифохона ва тез ёрдам шохобчаси фаолият юритмоқда.

– Поликлиникамиз биноси 1965 йилда қурилган эди, – деди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Тоҳиржон Зокиров. – Эндиликда туманнинг Хакан қишлоғи ҳудудидаги 19 та маҳаллада истиқомат қилувчи 60 минг нафардан зиёд аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати янада ортади. Турли хасталикларни эрта аниқлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса, тез ёрдам хизматидан фойдаланиш баробарида катта қулайлик яратилди.

5 млрд 450 миллион сўмлик лойиҳа асосида барпо этилган ушбу мажмуада терапевт, хирург, стоматолог, УЗИ ва бошқа йўналишлар бўйича 60 нафардан ортиқ шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 30 нафар беморнинг ётиб даволаниши учун зарур шароитлар яратилди.

Хўжаобод обод манзилга айланди

Инсон бугунги кунидан мамнун бўлиб яшаши учун кўп нарса керак эмас. Бунинг учун энг аввало, кундалик фаолиятимизни қониқтирадиган шароит бўлса, кифоя. Масалан, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, йўл борасидаги қулайликлар мавжуд жойда кишилар ўзларини бошқаларга нисбатан бахтиёр ҳис этадилар, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Бу борада Хўжаобод тумани аҳолисига ҳавас қилсак, арзийди. Зеро, туманда ҳудудлар инфратузилмасини шакллантириш орқали аҳоли турмуш шароити янада яхшиланди. Жумладан, электр энергияси таъминоти сифатини яхшилаш мақсадида 212,6 километр электр тармоқлари ва 109 та трансформатор мукаммал ва жорий таъмирланди.

– Электр таъминотидаги муаммолар инсонлар ҳаётини оғирлаштирмаслиги керак, – деди “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг туман филиали муҳандиси Раҳматилло Бахтиев. – Шунинг учун ҳар бир маҳаллада бўлиб, йўналишдаги муаммолар ўрганилди. Натижада кўплаб манзилларда таъминот сифатини яхшилаш чораси кўрилди. Мисол учун, “Солпи” МФЙда 61 та темир-бетон таянч ўрнатилган бўлса, 1,9 километр ҳаво тармоғи қурилди. Ипакчилик маҳалласида эса 5 дона темир-бетон таянч, 1 дона трансформатор ўрнатилиб, 120 метр ҳаво тармоғи тортилиши туфайли аҳолининг муаммоси ижобий ечим топди. Бу каби саъй-ҳаракатлар ўнлаб маҳаллаларда давом этди. Натижада 3 мингга яқин хонадонларда сифатли таъминотни йўлга қўйдик.

Туманда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари ҳам сифатли амалга оширилди. Бунинг учун 11 минг 500 метрга тармоқ тортилиб, 47 та носоз насос соз ҳолатга келтирилди. Шунингдек, 1 та янги сув қудуғи ва 6 та насос ишга туширилди.

– Маҳалламизда ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжуд эди, – деди “Бешкарам” МФЙда яшовчи Абдураҳмон ота Исомиддинов. – 1-1,5 километр масофадан сув ташиб келишга мажбур



эдик. Шу йил 5 километр масофага янги сув тармоғининг тортилиши туфайли нафақат бизнинг, балки қўшни маҳаллада яшовчи ҳамюртларимизнинг ҳам муаммолари ижобий ечим топди. Натижада 500 та хонадон илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш шароитини яхшилашга бўлган эътибор ифодасидир.

Одатда, ҳудудлар ободлиги ҳақида сўз кетганида энг аввало, уларнинг йўлига разм соламиз. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, Хўжаобод тумани ҳақиқатан ҳам обод манзиллардан биридир.

– Қачонлардир лой кечиб юрган маҳалладошларимиз бугун равон йўлдан юрмоқдалар, –деди “Солпи” МФЙда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Санобархон Аҳмадалиева. – Бу бахтга бира тўла 6 та кўчамизнинг 3 км дан иборат ички йўлида асфальтлаш ишлари олиб борилиши натижасида эришдик. Бу биз учун кутилмаган воқеа бўлди! Негаки, шу маҳаллага кўчиб келганимга 30 йилдан ошган бўлса, ортда қолган шу давр мобайнида йўлимиз бирор марта таъмирланмаган эди. Бугун эса шу йўлдан юрар эканман, мана шундай фаровон даврларга етказгани учун шукрона келтиряпман.

Кўп қаватли уйлар мавсумга тайёр

Андижон вилоятида кўп қаватли уйларни қиш мавсумига тайёргарлигини таъминлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Андижон шаҳридаги Қўшарик, Яшнобод, Бинокор ва Бунёдкор маҳалласидаги 75 та кўп қаватли турар жойда қишки мавсумни беталафот ўтказиши учун барча шароитлар яратилди.

– Тайёргарлик жараёнида 3 та уйнинг эскирган ичимлик суви қувури янгиланди, – деди “Андижон сув таъминоти” АЖ бош муҳандиси Хумоюн Алимов. – 12 та уйнинг ертўласи назоратдан ўтказилиб, оқава сув қувуридаги муаммолар бартараф этилди. Ҳар бир хонадондаги сув жўмракларининг ишлаш тизими кўздан кечирилиб, аҳоли орасида тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилди. Шунингдек, табиий газ таъминоти сифатини яхшилаш бўйича 8 та тармоқ устуни ва 500 метр қувур соз ҳолатга келтирилди. 40 та хонадондаги газ жиҳози техник кўрикдан ўтказилди. Ички йўлларни асфальтлаш ва таъмирлаш учун 25 тонна асфальт қопламаси ётқизилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар вилоятдаги барча кўп қаватли уйларда олиб борилди.

Салкам 50 та маҳаллада сув таъминоти яхшиланди

Андижон вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари кўлами ҳар доимгидан ортган. Натижада йилнинг ўтган даври мобайнида 7 та сув иншооти, 22 та сув қудуғи янгитдан ўрнатилиб, ишга туширилган бўлса, 176,3 км тармоқ тортилиши эвазига ҳудуднинг сувлашганлик даражаси 91 фоизга етди.

– Ушбу маҳаллада 51 йилдан буён истиқомат қиламан, – деди Балиқчи туманидаги “Халфачек” МФЙда яшовчи Раҳимахон Эргашева. – Бугун ҳудудимизда ортда қолган йиллар давомида бўлмаган ишлар бўляпти. Масалан, ичимлик сувини маълум масофадан ташиб келардик. 1 та янги сув минорасини ўрнатиш, 3,8 км тармоқ тортиш орқали ҳар бир хонадонга ичимлик суви кириб келди. Бундан ниҳоятда хурсандмиз!

Маҳаллаларда истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, таъминот доирасини кенгайтириш мақсадида чекка ҳудудлардаги 23 та манзилда 38 км тармоқ тортилиб, 10 дан ортиқ янги қудуқ фаолияти йўлга қўйилди. Йил якунига қадар яна 10 та маҳаллада сув таъминоти сифати янада яхшиланади.



“New Zomin Plaza” МЧЖ

ўз асосий воситаларини ва жамият устав фондидаги таъсисчилар улушларини баҳолаш мақсадида баҳоловчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда иштирок этиш истагида бўлган баҳолаш ташкилотлари белгиланган тартибда ҳужжатларни тақдим этишлари талаб этилади.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-“А” уй.

Мурожаат учун тел.: 91-303-66-53.

Ҳужжат топширишнинг сўнгги муддати: 2024 йил 19 ноябрь.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№91 (844) 2024 йил 15 ноябрь

ЯНГИ ЛОЙИҲА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Бугунги кунда аҳолининг юқори сифатли ва қулай йўловчи ташиш хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш долзарб масала ҳисобланади. Шу боис, бу муаммога ечим топиш кун тартибидаги муҳим мавзуга айланиб бормоқда.

Бу борада, айниқса, Наманган шаҳрининг марказий чорраҳаларидаги ва автомобиль йўлларидаги тирбандликларни бартараф этиш учун илмий асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарурияти янада муҳимдир. Бинобарин, 2023 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида икки нафар олим – Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Транспорт факультети Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва муҳандислиги кафедраси доценти Муротбек Бойдадаев ҳамда катта ўқитувчи Улуғбек Мамировлар илмий изланишларни жадал давом эттириб, Наманган шаҳри транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош режасини ишлаб чиқишди. Бунинг учун аввало, 2023 йил 5 апрелда вилоят ҳокимининг маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 1 млрд 850 миллион сўм маблағ ажратилиши юзасидан тегишли фармойиши қабул қилинди.

Ана шу лойиҳанинг амалга оширилиши бўйича мухбиримиз олимларнинг фикрлари билан ўртоқлашди.

– Лойиҳадаги “Техник топшириқ”нинг бажарилиши бўйича Наманган шаҳар ҳокимлиги билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти ўртасида шартнома тузилди. Шунга асосан, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан аҳоли, иш, яшаш жойлари бўйича талабалар, мактаб ўқувчилари сони, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий объектларнинг жойлашуви, кўчиб юрувчи аҳоли сони ҳамда аҳолини транспортда ҳаракатланиш кўрсаткичлари сўровнома асосида аниқланиб, географик, ижтимоий-иқтисодий маълумотлар базаси шакллантирилди. Наманган шаҳрига кириб келаётган транспорт оқими юқори бўлган асосий йўллардаги ва шаҳарнинг Алишер Навоий, Ислом Каримов, Уйчи, Амир Темур, Бобуршоҳ, Янгиқўрғон ҳамда Шимолий айланма кўчаларидаги 21 та чорраҳа ҳамда бекатлардаги йўловчилар оқимини аниқлаш бўйича кунлик ҳамда ҳафталик маълумотлар таҳлил қилинди. Бир қатор чорраҳаларга доир таклифлар ишлаб чиқилди ва афзалликлари амалий жиҳатдан кўрсатиб берилди.

МАВЖУД КЎРИНИШИ





ЛОЙИҲАВИЙ КЎРИНИШИ





Бундан ташқари, Наманган шаҳар ҳокимлиги, вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармаси, вилоят автомобиль йўллар бош бошқармаси ҳамкорлигида минтақавий, шаҳарлараро ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларида транспорт фаолиятини амалга ошириш, жамоат транспорти ҳаракати устуворлигини таъминлаган ҳолда И. Каримов, А. Темур, Н. Намонгоний, А. Навоий ва Уйчи кўчаларида босқичма-босқич автобуслар учун алоҳида йўл бўлагини ажратиш лойиҳаси вилоят ҳокимлигига топширилди.

Пиёдалар ўтиш йўлакларини қамраб олган светофорлар фазаларини ишлаб чиқиш ва асослаш бўйича Наманган шаҳридаги 6 та чорраҳа бўйича “ПТВ ВИССУМ” (Германия) дастури воситасида лойиҳа таклифи тайёрланди. Вокзаллар, автовокзаллар ва А. Навоий, Н. Намонгоний, И. Каримов, Тўрақўрғон, Ҳамроҳ, А. Темур, Уйчи, Бобуршоҳ кўчаларида бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Уйчи кўчасида жойлашган Чорсу меҳмонхонаси ва бозор ҳудудида автотураргоҳларни (йўл бўйини) тартибга солиш таклифи, А. Навоий кўчаси ва “Сардоба” бозори атрофида автобуслар ҳаракат устуворлигини таъминлаш, аҳолига жамоат транспортида “Бир қадам тамойили” асосида жозибадор автобус хизматларини жорий этиш бўйича таклифлар шулар жумласидандир. Уйчи кўчасидаги Зирабулоқ бош бекатини реконструкция қилишда Наманган шаҳрига кунлик келиб-кетувчи аҳоли учун шаҳар автобус йўналишларига қулай ўтишни ҳамда ҳаракат иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш, йўл бўйи парковкаларни тартибга солиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Наманган шаҳар Сардоба бозорига келган фуқароларга тегишли автотранспорт воситалари учун бозор ҳудудида ташкил этилган автотураргоҳ ўрнида кўп қаватли автотураргоҳ ва А. Навоий, Нодира ва Қўқон кўчалари кесишмасидаги пиёдалар ўтиш жойи ўрнида пиёдалар учун ер усти ўтказгичи барпо этилиши ҳамда Б. Машраб кинотеатри олдида автобуслар учун (лойиҳа асосида) кенгайтирилган бош бекат қурилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бош режани ишлаб чиқишда сўнгги беш йилдаги аҳоли динамикаси, миграцияси; келгуси 15 йил давомидаги аҳоли ўсиш прогнози тўғрисидаги маълумотлар, мавжуд ва янги ташкил этилган саноат корхоналаридаги ишчилар сони аниқланди.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти томонидан жамоат жойлари, ижтимоий объектлар ва йўловчилар оқими кўп бўлган 13 та ҳудуд аниқланди.

Наманган шаҳри ҳудуди 118 та транспорт зонаси (туманлар)га бўлиб чиқилди. Ижтимоий сўров натижалари ва буюртмачи томонидан тақдим этилган бошқа маълумотлар асосида йўловчилар ҳаракатланиши учун транспортга бўлган талаб ҳисоб-китоб қилиниб, рақамлаштириш модели яратилди. Дастурга жамоат транспорти йўналишлари тармоғи, автостанциялар, 200 дан ортиқ оралиқ бекат ва бошқа тўхташ жойлари ҳамда жамоат транспортининг ишлаши тўғрисидаги маълумотлари киритилди.

Бош режани амалга ошириш учун кўриб чиқиладиган вариантларнинг ҳар бири бўйича мақсадли кўрсаткичлари ва транспорт тизими фаолиятининг бошқа параметрларининг транспорт бош режасида назарда тутилган прогноз даврлари бўйича қийматлари ҳисоблаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, 3 000 дан ортиқ танланган аҳоли қатламлари ўртасида ўтказилган сўровномага асосланиб, республика ва вилоят аҳамиятига эга автомобиль йўлларида ҳаракатланиш параметрлари, шаҳар ва шаҳар атрофи жамоат транспорти йўналишларида аҳолининг транспорт ҳаракатчанлиги, йўловчилар оқими параметрлари аниқланди.

Энг катта муаммолардан бири – йўл-транспорт ҳодисаларининг уч йил давомидаги динамикаси тўғрисидаги маълумотлар, йўл-транспорт ҳодисаларининг умумий сони, ҳалок бўлганлар, жароҳатланганлар, йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий учоқлари, бахтсиз ҳодисаларни турлари ва содир бўлган жойлари бўйича тақсимланиши геоахборот маълумотлар базасига киритилди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ечимлар ҳамда юзага келган таклифларга асосан чорраҳаларнинг транспорт микро моделлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, яна бир қатор омилларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, чорраҳа бўйлаб ҳаракатда кирувчи оқимларнинг таркиби, интенсивлиги ва тезлиги, кесишишнинг шакли ва геометрик ўлчамлари, об-ҳаво, ёруғлик. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда эса ҳаракатланиш тартиби ва транспорт воситаларининг техник ҳолати, йўл шароитлари, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг малакаси ва ҳоказолар эътиборга олинди. Йўл ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш бўйича чора-тадбирлар, шу жумладан, вилоят, шаҳарлараро ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларида айрим тоифадаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловларни, ҳаракатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, жамоат транспорти ҳаракати учун ажратилган йўлакларни ташкил этиш ва шаҳарлараро ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари участкаларининг ўтказувчанлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган бошқа чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Муҳиддин МАҒЗУМОВ ёзиб олди.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари — **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи — **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ — **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1141.
1490 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 21.35.
Топширилди – 22.35.
1 2 3 4 5 6

ГУП “Служба заказчика в сфере строительства” Ферганского областного хокимията

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ

Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию Проекта “Развития сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для Подрядных работ по следующим объектам:

№ п/п	Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС)	Срок строительства (календарных дней)	Залоговое обеспечение в виде банковской гарантии (сум)
1.	MOEI-RIDP-FER-W-64	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Бостон” Куштепинского района Ферганской области	2 568 535 529	120	51 370 711
2.	MOEI-RIDP-FER-W-65	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Истиклол” Куштепинского района Ферганской области	1 706 794 853	120	34 135 897
3.	MOEI-RIDP-FER-W-66	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Томоша” Фуркатского района Ферганской области	5 203 377 060	120	104 067 541
4.	MOEI-RIDP-FER-W-67	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Гузарбоши” Язъяванского района Ферганской области	1 040 397 926	90	20 807 959
5.	MOEI-RIDP-FER-W-68	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Дустлик” Язъяванского района Ферганской области	351 990 462	90	7 039 809
6.	MOEI-RIDP-FER-W-69	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Кургонча” Язъяванского района Ферганской области	1 353 935 778	90	27 078 716
7.	MOEI-RIDP-FER-W-70	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Чулигулистон” Язъяванского района Ферганской области	443 212 531	90	8 864 251

ГУП “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА

приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных Работ. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

По объектам электроснабжения необходимо наличие лицензии на строительство объектов повышенного риска. (Участник должен продемонстрировать действительную лицензию, дающую право на проведение высоковольтных работ)

Участником торгов может быть частная или правомочная государственная организация. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в **Государственном учреждении “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Ферганской области”** и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма оплаты для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 2 БРВ (базовая расчетная величина).

Получатель: ГУ “Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве Ферганской области”.

Банковские реквизиты: Ферганский филиал “InFinBank” р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН 202 529 457 МФО 01128.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться **залоговым обеспечением только в виде банковской гарантии** по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **18.00 часов** (по ташкентскому времени) **5 декабря 2024 г.,** где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

Подпроекты проведённые\проводящие на тендерной платформе в Национальном информационном агентстве “Шаффоф курилиш” не будут обсуждаться на заседании закупочной комиссии.

Организация для подачи предложений:

Государственное учреждение “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Ферганской области”.

Адрес: Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом 111-“б”.
Тел.: (99899) 615-68-91, 615-68-92.
E-mail: fartender@mail.ru
Ответственный представитель консалтингового центра: М. Содиков.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

2024 йил ноябрь ойининг 15-18 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ички назорат бўлими бошлиғи **Даврон Муҳаммедов,** Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва ташишга қўйиладиган технологик талабларга риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ҳамза Турдиев,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси лойиҳа бош муҳандиси **Фарҳод Гулямов,** “Навоий” филиали директори **Жамшид Рустамов,**

“Ташгипрогор” АЖ дизайн жамоаси раҳбари **Илсаярь Бикметова,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ АСС-1 етакчи муҳандиси **Марҳамат Рўзиева,**

“O‘zshaharsozlikLITI” ДМ “Навоий” филиали директори **Ойбек Очилов,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси 1-тоифали муҳандиси **Улуғбек Ташматов,**

“Иссиқлик манбаи” ДУК Сурхондарё вилояти филиали бош муҳандиси **Карим Мирсангинов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Маҳмуд Алламбергенов,** мутахассис **Бердимурат Ўразбаев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Обиджон Астанов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Суннатилло Файзуллаев,**

Наманган вилояти Наманган шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Ойбек Исаков,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бош муҳандиси **Абдумавлон Абдуллаев,** бўлим бошлиғи **Саъдуллаходжа Мухтарходжаев,**

Фарғона вилояти Марғилон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Алишер Ғаниев,** Қувасой шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Совридин Ашуров,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги “Qong‘irat Uy-Jay Xizmet” БСК МЧЖ бош директори **Бахыт Джуманиязова,**

Бухоро вилояти Олот туманидаги “Отабек Ойдина Равнақи” БСК МЧЖ бош директори **Элбек Ўринов,**

Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Таъмирлаш-тиклаш ТТС” БСК МЧЖ бош директори **Ориф Турсунбоев,** Зомин туманидаги “Kamronbek Finans Stroy” БСК МЧЖ бош директори **Шаҳло Қўшназарова,**

Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги “Комила Гранд Хоусе” БСК МЧЖ бош директори **Муқаддас Сарибоева,**

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги “Qora-Qamish Yuksalish Servis” БСК МЧЖ бош директори **Сайёра Мирзаева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!